

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

«Чуст туман»

Хокимлиги



М.Мирзалиев

2022 й

**БУЮРТМАЧИ:**

### **«Чуст туман» Хокимияти**

Чуст тумани Ёркишлок МФЙ, Истиклол МФЙ ларга ичимлик суви тортиш мақсадида полиэтилен труба сотиб олиш учун энг яхши таклифни танлаб олиш.

### **ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ**

**Чуст шаҳри-2022**

## **Танлов ҳужжатларининг мазмуни:**

### **I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома**

#### **ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА**

Ушбу йўриқнома 2021 йил 22 апрелдаги № 684-сонли Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунига асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2018 йил 26 майда № 3016-сон билан руйхатдан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа Бошқаруви Миллий Агентлигининг “Харид тартиб-тамойилларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисидаги” тартиби асосида ишлаб чиқилди.

#### **1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ**

1. Чуст тумани Ёркишлоқ МФЙ, Истиклол МФЙ ларга ичимлик суви тортиш мақсадида полиэтилен труба сотиб олиш учун ишлаб чиқарувчилар томонидан энг яхши таклифларни жалб қилинади.

1.2. Танловнинг охирги қиймати -- 196 875 000 сўм.

Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

**Ушбу танлов яқунлари бўйича ғолиб чиққан ташкилот билан шартнома тузилади.**

1.4. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 1 ой.

1.5. Ишларни бошлаш муддати – буюртма берилган кундан бошлаб ҳисобланади.

#### **2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ**

2.1. **“Чуст туман” Ҳокимлиги** (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) - танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Почта манзили 160100, Ўзбекистон Республикаси, Наманган вилояти, Чуст тумани, Чарогон кучаси, 1-уй

Эл.адрес: [chusttuman@uzex.uz](mailto:chusttuman@uzex.uz)

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. Танлов УЗРТХАБ [etender.uzex.uz](http://etender.uzex.uz) платформасида “Буюртмачи” томонидан тузилган танлов комиссияси орқали қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.



### 3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 3 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги талаблар қўйилади:

-танлов предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, махсулот ни ишлаб чиқариш учун зарур бўлган хомашё ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

-шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар;

-танлов объектига ўхшаш объектлар билан ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

-ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;

-танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (50 фоиздан кам бўлмаган ҳолда);

-Низом маблағи миқдори.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Қўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

-қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

3.5. Танлов иштирокчилари – талабгор ташкилотлар танлов предметининг лойиҳа ҳужжатлари, хусусан, лойиҳани график қисми (чизмалари) билан танишиб чиқиш ва танлов таклифини тузиш учун буюртмачига (танлов ташкилотчисига) тақдим этилиши ҳақида мурожаат қилишга ҳақлидирлар.





Чуст тумани Ёркишлок МФЙ, Истиклол МФЙ ларга ичимлик суви тортиш мақсадида полиэтилен труба сотиб олиш учун энг яхши таклифни танлаб олиш

**ТЕХНИК ТОПШИРИҚ**

№	Асосий маълумотлар	Бажарувчи
1	Объект номи	Чуст тумани Ёркишлок МФЙ, Истиклол МФЙ ларга ичимлик суви тортиш мақсадида полиэтилен труба сотиб олиш учун энг яхши таклифни танлаб олиш
2	Буюртмачи	Чуст туман ҳокимлиги
3	Буюртма учун асос	Аҳоли катламларига ичимлик суви тортиш эҳтиёжи
4	Объектнинг жойлашган манзили	Чуст тумани Ёркишлок МФЙ, Истиклол МФЙ
5	Катнашувчи учун талаблар	7500 метр Полиэтилен трубаси улчами Д-75х4,5 мм.
6	Бажарилган ишлар ҳисоб-китоби	Ишлаб чиқарувчи томонидан тақдим қилинган, тарафлар томонидан тасдиқланган нуқсон ва бажарилган ишлар далолатномаси ҳамда ҳисоб варақаларга асосан икки томон ўртасида ўзаро тасдиқлангандан сўнг корхона нархларидан ошмаган ҳолда ва пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади. Шунингдек буюртмачи томонидан бажарилган ишлар юзасидан ўтказиладиган маблағлар ҚҚС билан қўшиб ҳисобланади. Шартномага асосан 196.875.000 (Бир юз туксон олти миллион, г саккиз юз етмиш беш минг) сўм лик иш бажаралиши режалаштирилган.
7	Иш тури	Буюртма асосида ишлаб чиқарувчи томонидан курсатилган улчамдаги полиэтилен труба маҳсулотларини етказиб бериш.
8	Хизматларни бажариш муддати	2022 йил 10 мартгача
10	Молияташтириш манбаи	Чуст туман ҳокимлиги

Туман ҳокимлиги бош мутахассиси:

Б.Болтаев